O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 8 август, № 152 (4051) • Сешанба



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Бугун Мустақилликка эришганимизга 5455 кун бўлди!

Ватанимиз тарихида унинг ҳар бир куни алоҳида маъно-мазмунга эга

БАРАКА — ҲАРАКАТДА

Чортоқ туманидаги "Чортоқ-барака" фермер хўжалиги далаларида бугун ғўза парвариши айни авж палласида. Абдулҳаким Темиров бошлиқ фермер хўжалиги аъзолари асад ойининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

— Бу бежизга эмас, — дейди фермер. — Чунки бугун ўрни далада бўлган кишининг эртага экинидан кутган ҳосили мўл, юзи ҳам ёруғ бўлади. Ғалвир сувдан кўтарилганда эса ер чизиб қолмайди. Қолаверса, келадиган даромад, манфаатдорликнинг қандай бўлиши ҳам бугунги меҳнатимизга боғлиқ.

Ғўза — жуда эътиборталаб ўсимлик. Масалан, культивацияни олайлик. Ҳозиргача қатор ораларида техника бироз тезроқ ҳаракатланган бўлса, энди бундай қилиб бўлмайди. Сабаби, ўсимликдаги гул тўкилиб кетиши, пайдо бўлган кўсаклар эса шикастланиши мумкин. Ҳатто, бу билан ҳосил бой бериб қўйилиши ҳам ҳеч гап эмас. Агар культивация ўз меъёрида ва сифатли ўтказилса, ғўза ривожи янада тезлашади. Асосийси, ҳосилдорлик ошади. Айтайлик, ой бошида 4-5 тадан кўсак ҳосил бўлган бўлса, ой давомида яна 6-7 та кўсак қўшилади. Ҳам сон, ҳам вазн ортади. Энди буни ҳисоблаб кўринг-чи. Бу ҳар гектар ер ҳисобига яна 2-3 центнер "оқ олтин" қўшилади, деганидир.

"Чортоқ-барака" фермер хўжалиги ихтиёрида 83 гектар ер бўлса, шундан 30 гектарида пахта етиштирилади. Хўжалик аъзолари бу йил ҳар гектардан ўртача 32 центнердан ҳосил олиш ниятидалар.

— Гапнинг ростини айтганда, ҳозиргидек зарбдор кунлар аввалари ҳам бўларди, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, Поп туманидаги Худойберганов ММТПга қарашли "Хусанбой.С" фермер хўжалиги раҳбари Фарҳоджон Аҳмадқулов. — Фақат бу тадбирлар номигагина ўтказиларди-да. Чунки кўпчилик "август келди-ку, буёғи энди дам", деб ишни сусайтирарди. Бироқ, пахтачиликда бундай йўл тутиш хато ҳисобланади. Аслида айнан асад ойида ҳосилга ҳосил қўшиш имкони бор. Шу боис ҳам бугун фермерлар хўжакўрсинга меҳнат қилишаётгани йўқ.

Ўзимиздан келиб чиқиб айта қолай. 25 гектардан ошиқроқ майдонда ғўза парваришлаяпмиз. 30 центнерлик маррани кўзлаб турибмиз. Бунинг учун жамоамиз астойдил меҳнат қилмоқда. Масалан, даламизнинг ҳар бир бошида ўра қазилган. Бу суғоришни шарбат усулида олиб боришимизда жуда қўл келади. Оби ҳаёт билан қўшилиб борган ўғит ғўзага янада куч бағишлайди.

Бу йил ҳаво бироз иссиқ келди. Демак, зараркунада ҳашаротлар "жонланади", ўсимликка жиддий хавф сола бошлайди. Шу боис дала назоратчилари бир зумга бўлсин ҳушёрликни сусайтиришгани йўқ.

Наманган вилоятида бу йил 101,8 минг гектар ерда ғўза парвариш қилинмоқда. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассисларининг айтишича, ана шу майдонларга ғўзанинг сифати юқори бўлган "С-6524", "Наманган-77", "Оққўрғон-22", "Бухоро-102" навлари жойлаштирилган. 5462 гектар майдонда эса янги навлар синовдан ўтказилмоқда. Наманганлик пахтакорлар давлатга 261 минг тоннадан ортиқ "оқ олтин" етказиб бериш ниятидалар. Эътиборли жиҳати шундаки, ана шу улкан хирмоннинг 83 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келиши кутилмоқда.

Вилоятда август ойида "Зарбдор 50 кунлик" тадбирлари белгилаб олинган бўлиб, айни пайтда барча туманларда уни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида бор куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Масалан, ғўза зараркунандаларига қарши курашиш ҳақида тажрибали деҳқонлар билан суҳбатлашсангиз, "ҳашаротнинг кушандаси ҳашарот-да" деб қўйишади. Аввалига бу иборага тушуниш бироз қийин. Қанақасига ахир, деб ҳайрон бўласиз. Бироқ, гап биоусул ҳақида кетаётганини билгач, дарров англайсиз. Наманганда айнан шу усул кенг қўлланилади. Чунки бу, биринчидан, атроф-муҳитга зарарсиз, иккинчидан, харажати кимёвий усулга нисбатан анча арзонга тушади.

Шунинг учун ҳам ўсимликларни ҳимоя қилиш туман отрядлари тасарруфидаги 11 та марказий, 3 та хўжалик биолабораториялари ҳамда "Биосервис" акциядорлик жамиятининг фаолияти кенгайтирилди. Қўшимча 10 та хусусий лабораториялар ташкил этилди. Отрядлар томонидан жалб этилган 1571 нафар дала назоратчилари эса ғўзага кўз-қулоқ бўлиб туришибди.

Ғўзани суғориш ҳам муҳим агротехник тадбирлардан биридир. Бироқ, мутахассисларнинг айтишича, бу йил вилоятда сув ўтган йилга нисбатан бироз тақчил бўлди. Шу боис суғоришни асосан тунда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хўш, шунга яраша ишловчиларнинг манфаатдорлиги қай даражада? Албатта, масаланинг бу жиҳати ҳам инобатга олинган. Хусусан, суғоришда иштирок этаётган сувчиларга гектарига 3500 сўмдан, культивацияда қатнашаётган механизаторларга 1300 сўмдан, ғўзани бегона ўтлардан тозалашга кўмаклашаётганларга эса 5000 сўмдан иш ҳақи ҳар беш кунда бериб борилмоқда. Шунингдек, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашувчиларнинг ҳар бирига ойига 50 минг сўмдан маош берилмоқда. Вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида ташкил этилган гуруҳлар томонидан бу ишлар алоҳида назоратга олиниб, камчиликлар жойида бартараф этилмоқда.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистонда сўнгги йилларда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда, мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Замонавий саноат ишлаб чиқариши, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, фан ва техниканинг ғоят муҳим илмий ва технологик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлар соҳасидаги 25 давлат илмий-техника дастури бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Илмий-тадқиқот муассасаларини базавий таъминлаш тизимидан илмий-техник вазифаларни ҳал қилишга қаратилган мақсадли лойиҳаларни молиялашга ўтиш илмий жамоалар ижодий фаоллиги рағбатлантирилишини, уларнинг саъй-ҳаракатлари реал якуний натижаларга эришишга сафарбар қилинишини, фан ва техника тараққиётининг долзарб масалалари ҳал қилинишини, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлади. Илмий-техника соҳасида халқаро алоқалар жадал ривожланмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларга қарамай, илмий-техника салоҳиятининг ривожланиш даражаси ортиб бораётган талабларга, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар суръатларига тўлиқ жавоб бермайди.

Илмий дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш, илмий-техника ишларини молиялаш механизми

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

7 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида "Депутатларнинг касбий салоҳиятини ошириш" мавзуида семинар-тренинг иш бошлади. Ушбу тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг "Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш" лойиҳасини амалга ошириш доирасида ташкил этилди. Семинарда Қонунчилик палатасининг депутатлари, олимлар ва мутахассислар, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирок этмоқдалар.

Семинар-тренинг қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил январь ойида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш тамойилини амалда рўёбга чиқариш миллий қонунчиликни ривожлантириш учун қудратли омил бўлганлигини таъкидладилар. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг давлатимиз раҳбари томонидан шакллантирилган устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш борасидаги кенг миқёсли ишлар Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Қонун ижодкорлги жараёнини интенсификациялаш муносабати билан Қонунчилик палатасининг депутатлари ўз ишларини, қонун ижодкорлиги жараёнининг шакл ва услубларини мунтазам равишда такомиллаштириб боришлари, парламент анъаналарини ривожлантиришлари, юридик фан эришган энг яхши ютуқларни ўз ишларига жорий этиб боришлари зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқида парламент аъзолари мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида алоҳида роль ўйнашини яна бир карра эслатиб ўтди.

Шу муносабат билан ўтказилаётган семинарнинг мақсади ўтган йиллар мобайнида тўпланган иш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда депутатларнинг қонун ижодкорлиги салоҳиятини ва касбий кўникмаларини оширишдан иборатдир. Тренинг қонунчилик техникасини такомиллаштириш, депутатлик одоби нормаларига риоя этиш, палата, қўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари мажлисларида, шунингдек, ижро ҳокимияти органлари ва сайловчилар билан биргаликдаги ҳаракатлар жараёнида баҳс-мунозара маданиятини ошириш масалаларига бағишланган уч йўналишда интерактив технологиялардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Семинар-тренинг иш якунлари бўйича қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини оширишга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ парламент ишининг тартиб-таомилига доир айрим масалаларни ҳал этишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

(ЎзА).

Навоий вилояти Хатирчи туманининг Олмазор қишлоғида 6 август куни бўлган тўйнинг довруғи етти маҳаллага тарқалди...

КАТТА ОИЛАНИНГ БАХТИ

...Шу қишлоқдаги 24-мактабда ўқитувчилик қилиб келаётган Азамат ака Жалилов ёшларга физика-математика фанидан сабоқ беради. Умр йўлдоши Раъно Хушвақтова эса туман марказий шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайди. Нодирбек уларнинг тўнғич фарзанди.

Аскар бўлишни орзу қилмаган йигит кам топилади. Нодирбек ҳам ўрта мактабни тугатди-ю, ҳарбийга отланди. Соғлом, билимли, иродали ва қатъиятли йигит орзусига эришди. Бир йиллик ҳарбий хизмат давомида командирлар назарига тушган Нодирбек Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга жўнатилди. Унинг ҳаётидаги энг бахтиёр дамлар мана шу ерда бошланди.

Тинимсиз машғулотлар, ҳарбий сабоқлар унинг маҳоратини янада ошириб, жисмонан чиниқтирди. Президентимиз Ислом Каримов 2003 йили Чортоқ сержантлар тайёрлаш мактабида бўлган чоғида ҳарбийларга яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, бу ерда таҳсил олаётган йигитлар билан самимий суҳбатлашди.

«Қани, кимнинг тўйи яқин?» деб сўради Юртбошимиз суҳбат асносида.

«Яқинда менинг тўйим бўлади», деди Нодирбек.

Юртбошимиз оддий курсантни ўз фарзандидек меҳр билан бағрига босиб: «Тўйга мени ҳам таклиф қилиш эсдан чиқмасин», деди.

Давлатимиз раҳбарининг бундай юксак эътиборидан руҳланган Нодирбек сержантлар мактабини аъло баҳоларга тугатди. У мамлакатимиз Шарқий ҳарбий округининг махсус қидирув-разведка взводига хизматга юборилди.

Ўтган йилнинг 13 майида Андижонда содир этилган террорчилик хуружлари кўплаб ҳарбийларимиз қатори кичик сержант Нодирбек Жалилов учун ҳам катта синов бўлди. У Андижон шаҳридаги Чўлпон номидаги кинотеатр ёнидаги блокпостда жанговар вазифани аъло даражада бажариб, чинакам мардлик намунасини кўрсатгани учун давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами арафасида Олмазор қишлоғида, А.Жалилов хонадонида бўлиб ўтган тўй тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, мудофаа вазири Р.Мирзаев Нодирбек Жалилов ва фарғоналик келин — Азизахон Шариповани бахт айёми билан муборакбод этиб, ёшларга Юртбошимизнинг табриги ва эзгу тилакларини етказишди ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғаларни топширишди.

Тўй тантаналарида Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

Келин-куёвнинг ота-оналари, қариндош-уруғ, ёру дўстлари, қишлоқ аҳли Юртбошимизнинг ёшларга билдирган холис ниятларига қўшилиб, янги оилага бахт-саодат, фаровонлик тилашди.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

Анжуман

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу хусусдаги қарорининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Йиғилишни вилоят ҳокими У. Яманқулов бошқарди.

Таъкидландики, вилоятда ҳар икки муҳим ҳужжатнинг ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар қилинган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари таркибида фаолият кўрсата бошлаган диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий, сиёсий саводхонлигини ошириш, жойларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ташаббускорлик кўрсатмоқда. Мавжуд ўқув юртлари билан ҳамкорликда узоқ қишлоқларда ўтказилаётган учрашувлар, ҳуқуқшунос ва олимлар, намунали оилалар бекалари иштирокидаги давра суҳбатларининг самараси катта бўлмоқда. Хотин-қизлар ўртасида уюштирилаётган спорт мусобақалари тобора оммалашаётир.

Хотин-қизларнинг давлат, жамият қурилишидаги фаол иштирокини таъминлаш, уларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда вилоятда 2852 нафар тадбиркор аёл бор. Аммо Бахмал туманидаги тижорат банклар филиаллари томонидан тадбиркор аёлларга, касаначиларга умуман кредит берилмаганини қандай тушуниш мумкин?

Ғаллаорол, Пахтакор каби туманлар, Жиззах шаҳрида нотинч, нобоп оилалар, ёлғиз оналар сони кўпайгани ҳолда бунинг сабабларини ўрганиш юзасидан мониторинг ўтказилмаган. Мавжуд ҚВПларда мазкур Фармоннинг ижроси йил давомида муҳокама этилмагани ҳам таажжубланарли.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Табиат олдидаги қарз

Табиат яратган бебаҳо мўъжизаларни асраб-авайлаш, қадрлаш ва келажак авлодларга уларни асл ҳолида қолдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Афсуски, инсон боласининг табиатни асраб-авайлаш билан бирга, баъзан унга жиддий зиён-заҳмат етказиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.



ЧОРВОҚНИ АСРАЙЛИК

Дам олиш маданиятини қачон ўрганамиз?

Масалан, биргина Чорвоқ денгизи атрофида содир бўлаётган кўнгилсиз манзараларга эътибор берайлик. Ҳукуматимиз қарори билан «Олтин олма», «Металлург», «Пирамида», «Горняк» сингари йирик оромгоҳлар қурилди ва дам олиш ҳудудлари барпо этилди. Уларнинг барчасида замонавий ҳавзалар, спорт майдончалари ва заллари мавжуд бўлиб, бу дам олувчилар учун қулайлик яратади. Бу оромгоҳларнинг хоналаридан тортиб, ҳовлиларигача тоза, озода. Шунингдек, Чорвоқ денгизи атрофида турли корхона ва олий ўқув юртларининг катталар ҳамда болалар учун қурилган оромгоҳлари ҳам фаолият кўрсатиб келаётир.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

тубдан қайта қурилиши лозим. Давлат илмий-техника дастурлари, лойиҳалар иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ривожланиши учун масъул вазирликлар ва идораларнинг фаол иштирокисиз, чуқур ва ҳар томонлама экспертизасиз, олимлар ва мутахассислар томонидан кенг муҳокама қилинмай шакллантирилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Молиявий маблағларнинг тор доирадаги экспертлар хулосаси асосида тақсимланишини назарда тутувчи, мавжуд илмий тадқиқотларни амалга оширишнинг грант тизими майда мавзулар танланишига, илмий лойиҳалар такрорланишига ва ажратилган маблағлардан самарасиз фойдаланилишига олиб келмоқда. Жумладан, агар 2000 йилда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 747 та илмий лойиҳа амалга оширилган бўлса, грант орқали молиялаш тизимига ўтилгач, мазкур дастурлар доирасида ўрганилаётган мавзулар сони 2 марта кўпайди ва 1515 тага етди.

Бугунги кунда фан докторлари ва номзодларининг 74 фоиздан кўпроғи ишлаётган, илмий тадқиқотларнинг мустаҳкам моддий-техника базаси яратилган мамлакат олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш тизими сезиларли даражада такомиллаштирилмоғи зарур. Олий ўқув юртларининг кафедралари, илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялари илмий-тадқиқот ва инновация ишларини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда етакчи бўғинга айланиши керак.

Илмий-техника тадқиқотлари натижаларини амалиётга жорий этишга оид ишларнинг аҳволи ҳам қониқарсизлигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгашининг ишчи органлари ҳисобланган Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ҳамда Фан ва технологиялар маркази ўртасида яқин ва самарали ҳамкорлик йўқ. Бу эса мавзуларнинг долзарблигига, олиб борилаётган тадқиқотлар сифатига салбий таъсир қилмоқда.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаннинг ролини кучайтириш, илмий-техника тараққиёти бошқарувини эркинлаштириш, илмий тадқиқотлар, технологик ва конструкторлик ишланмалари даражаси, сифати ва долзарблигини ошириш, улардан самарали фойдаланиш учун шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг ижрочи органлари — Фан ва технологиялар маркази ҳамда Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгашини тугатилсин.

Тугатиш комиссияси 1-иловага мувофиқ тузилсин. Тугатиш комиссияси белгиланган тартибда Фан ва технологиялар маркази ҳамда Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгашини тугатсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ташкил этилсин (бундан кейин Қўмита деб юритилади):

Қўмитанинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш вазифалари, замонавий фан ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар билан бирга фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

вазирликлар ва идораларнинг илмий-тадқиқот институтлари ва муассасалари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасалари, Фанлар академиясининг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

илмий-техника дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилишини, шунингдек, илмий-тадқиқот ишлари натижалари иқтисод, ишлаб чиқариш, таълимнинг турли соҳаларида қўлланилишини самарали мониторинг қилишни ташкил этиш;

илмий-техника соҳасида ўзаро фойдали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакат илм соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, республика илмий ташкилотлари, олимлари ва мутахассисларининг халқаро дастурлар ва илмий лойиҳалар танловларида қатнашиши учун кўмаклашиш.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Қўмита таркиби ва унинг Низоми 2,3-иловаларга мувофиқ;

Қўмитанинг ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ.

Қўмитанинг ижро аппарати бошқарув ходимларининг энг кўп сони 25 киши этиб белгилансин.

Қўмита раисининг ўринбосари — ижро аппарати раҳбари мақоми, моддий ва маиший таъминот шароитлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилсин.

4. Белгилаб қўйилсин:

фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлари Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа вазирлик ва идораларнинг илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари томонидан фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ ишлаб чиқилган илмий-техника дастурлари асосида олиб борилади;

давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, ҳомийлардан тушган маблағлар ва хўжалик субъектлари билан илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш бўйича тузилган шартномалардан тушган маблағлар молиялаш манбалари ҳисобланади;

давлат бюджети маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, етакчи тадқиқот марказларига, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасаларига эга бўлган бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга ажратилади;

Инновация фан-техника фаолиятини молиялаштириш жамғармасини шакллантириш учун маблағ вазирликлар, идоралар, хўжалик ҳисобидаги тузилмалардан келиб тушадиган маблағлар, халқаро грантлар, тижорат банклари ва хорижий молия институтларининг мақсадли имтиёзли кредитлари билан бир қаторда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан давлат бюджетидан ажратилади;

Фанлар академияси, вазирликлар ва идоралар тадқиқот ва инновация ишлари учун ажратиладиган бюджет маблағларини илмий-тадқиқот, таълим муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек, амалга ошириладиган илмий-техника лойиҳаларига илмий-техника лойиҳалари экспертизалари натижаларига қараб танлов асосида мустақил тақсимлайди.

5. Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар тадқиқот ва таълим муассасалари, Фан ва технологиялар маркази ўртасида фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлари соҳасида илмий-техника лойиҳаларни амалга ошириш учун ушбу қарор чиқишидан олдин тузилган шартномаларга мувофиқ буюртмачилар деб белгилансин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибига фан бўйича вазир ўринбосари лавозими киритилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги таркибида илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимлари (сектор) ташкил этилсин, ҳар бир вазирликнинг бошқарув ходимлари сони 5-иловага мувофиқ 3 нафарга кўпайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги илм-фанни молиялаш бўлимига қўшимча 3 та штат бирлиги киритилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили аспирантура, докторантурага қабул қилинадиган шахслар сони Молия вазирлиги томонидан махсус ажратиладиган маблағлар доирасида ўрнатилган тартибда илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган Фанлар академияси, вазирликлар, идоралар томонидан аниқланади.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига аспирантлар ва талаба-магистрлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиатларини аниқлаш вазифаси юклансин. Номзодларни кўриб чиқиш ва стипендияларни молиялаш Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157- ва 2001 йил 17 августдаги 344-қарорларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой муддатда ўрнатилган тартибда Аспирантура (докторантура) тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда икки ой муддатда илмий-тадқиқот, таълим муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотларига эга вазирликлар ва идораларда бажариладиган Фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишларининг илмий-техника дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2006 йилда Фан ва технологиялар марказининг тугатилиши натижасида бўшайдиган бюджет маблағлари ҳисобидан Қўмита ижро аппаратини таъминлаш учун маблағ ажратсин;

2007 йилдан бошлаб Қўмитани жорий таъминлаш учун зарур бюджет маблағларини белгиланган тартибда кўзда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қўмита ижро аппаратининг Мустақиллик майдонидаги маъмурий бинода жойлашиши ва унинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 3029-Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 77-қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Адлия вазирлиги Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта ичида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштиришни таъминласин.

14. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 7 августдаги қарорига 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ТАРКИБИ

1. **Солиҳов Шавкат Исмоилович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Қўмита раиси
2. **Лавозимига кўра** — Қўмита раисининг ўринбосари, Қўмита ижро аппарати раҳбари.

Қўмита аъзолари:

3. **Ҳабибуллаев Пўлат Қирғизбоевич** – Фанлар академияси Иссиқлик физикаси бўлими раҳбари
4. **Усмонов Темур Бекмуродович** — «Академприбор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лаборатория мудири
5. **Абдувалиев Абдуқаҳҳор Абдулхонович** — «Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари
6. **Абдураҳмонов Қаҳҳор Паттаҳович** – Тошкент ахборот технологиялари университети умумий физика кафедраси мудири
7. **Азимов Оқил Одилович** – Давлат патент идораси директори
8. **Ахлиддинов Рустам Шеронович** — халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари
9. **Аимбетов Нагмет Каллиевич** — Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси
10. **Охунов Али Охунович** — Фанлар академияси Биоорганик кимё институти лаборатория мудири
11. **Ғафурова Лазиза Акрамовна** — Тошкент аграр университети проректори
12. **Ғафуров Шуҳрат Рашидович** — Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази директори
13. **Ёриев Олтин Музаффарович** — Бухоро давлат университети ректори
14. **Исаҳўжаев Бахтиёр** — Давлат геология қўмитаси Минерал ресурслар институти директори
15. **Исмоилов Баҳром Маҳмудович** — Давлат тест маркази директори
16. **Каримов Бахтиёр Қуранбоевич** — Фанлар академияси Сув муаммолари институти лаборатория мудири
17. **Кўчқоров Жамшид Анварович** — молия вазири ўринбосари
18. **Мажитов Шавкат Холметович** — «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раисининг биринчи ўринбосари
19. **Матчонов Азат Таубалдиевич** — Қорақалпоғистон давлат университети ректори
20. **Матчонов Рафиқ Дўсчонович** — «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» холдинг компанияси бошқаруви раиси
21. **Маҳмудова Дилбар Иноятовна** — Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-тадқиқот институти директори
22. **Муҳамедов Ғофиржон Исроилович** — Ўзбекистон Миллий университети ректори
23. **Назаров Қиём Нормирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори
24. **Назаров Ринат Саидович** — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг пахтачилик бўлими бошлиғи
25. **Олимов Султонмурод Ҳошимович** — «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари
26. **Рўзиев Рустам Жабборович** — Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори
27. **Рустамбоев Мирзаюсуф Ҳакимович** — Тошкент давлат юридик институти ректори
28. **Ртвеладзе Эдвард Васильевич** — Бадиий академия Санъатшунослик институти бўлим мудири
29. **Солиҳов Темур Паттаҳович** — Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институти директори
30. **Саъдуллаев Азимбой** — Урганч давлат университети ректори, Маъмун академияси раиси
31. **Султонов Карим Султонович** — Олий аттестация комиссияси раиси вазифасини бажарувчи
32. **Троицкий Виталий Иванович** — Ўзбекистон Миллий университети геология кафедраси мудири
33. **Убайдуллаева Раъно Ахатовна** — «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори
34. **Шаропов Нодир Ўткурович** — соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари
35. **Шоабдураҳмонов Рустам Мавзурович** — иқтисодиёт вазири ўринбосари
36. **Ширинов Темур Ширинович** — Самарқанд давлат университети ректори
37. **Ҳамдамов Рустам Ҳамдамович** — Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари департаменти бош мутахассиси
38. **Хоназаров Абдушукур Абдуҳолиқович** — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори
39. **Худойбердиев Ботир Худойбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори вазифасини бажарувчи
40. **Череменский Сергей Александрович** — Олмалиқ кон-металлургия комбинати директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари
41. **Якубов Рискибай Якубович** — «Ўзкимёсаноат» ДАК раисининг биринчи ўринбосари
42. **Лавозимига кўра** — олий ва ўрта махсус таълим вазирининг (фан бўйича) ўринбосари

Илова: Қўмита аъзолари бошқа ишга ўтганда уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар қўмита таркибига киритилади.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир кишидан тадбиркорлик, ишбилармонликни талаб этади. Ишнинг кўзини билган тадбиркор эса ўзи учун ҳам, қаторидагилар учун ҳам яхши шароит ярата олади. Агар "Дилрабо СДА" хусусий фирмаси раҳбари Махсудахон Содиқова тадбирли бўлмаганида банкротлик ёқасига келиб қолган Тўрақўрғон туманидаги "Ахсикент" ўзбек-турк қўшма корхонасини қисқа вақт орасида яна гуркиратиб юборармиди?

— Туман ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши ўзимизга бўлган ишончимизнинг ортишига сабаб бўлди, — дейди Махсудахон. — Ҳозир корхонада бир ойда 10 тонна қайта ишланган калавадан 20 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз.

Эътиборли томони шундаки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг деярли ярми экспорт қилинаётган бўлса, қолганлари ички бозорни тўлдирмоқда. Шунингдек, ўнлаб касаначилар шартнома асосида келин либослари, зардўзлик, кўрпа, ёстиқ жилд каби хўжалик учун зарур маҳсулотларни ҳам тайёрлаётир.

Суратда: тўқувчи Замирахон Мамажонова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Янгиободда янги кўприк

Тоғли Янгиобод туманидаги кўҳна Намангансойда қурилган янги кўприк минглаб аҳолининг узоғини яқин қиладиган бўлди. «Даштобод-Совот» йўлида барпо этилган мазкур иншоот учун «Жиззахавтойўл» шўъба корхонаси жаъми 50 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатгани эътиборга моликдир.

Даштобод йўл қурилиши участкаси бунёдкорлари кўприкни 3 ойда қуриб битказишган бўлса, бу даврда туман ҳудудида 15 километр узунликдаги янги йўл қурилиши ҳам тугалланди.

Янги кўприкнинг очилиши маросимида «Жиззахавтойўл» шўъба корхонаси томонидан Янгиобод йўл қурилиш ташкилотига 1 дона грейдер ажратилди. Бу эса қорли-қировли кунларда тоғ йўлларида транспорт қатновининг бехатарлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.

«Гулизар» дўппидўзлари

Чустда келинни нина тутишига қараб танлашади. Ҳақиқатан ҳам, бу қадимий гўша моҳир қўллар каштаклаган ажойиб дўппилари билан оламга машҳур. Авлодлар меросини ардоқлашни фарз билган қизлар қадимий ҳунарни нафақат оила, балки, ўқув марказларида ҳам ўзлаштиришяпти. Ана шундай масканлардан бири — «Гулизар» кичик корхонасида ҳар йили юзлаб қизлар қатим тортишни ўрганишади. Айни пайтда бу ерда 120 нафар чевар дўппилар тикиш билан бирга, ёнларига қизларни жамлаб, маҳорат сирларини ўргатишмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ишонч» 5 август.
Шароф Бошбеков «Театрни соғиниб яшайман...»:

« — Домлам Абдурашид Раҳимов: «Сенинг айтаётган гапларинг академикка ҳам, тракторчига ҳам тушунарли, қизиқарли бўлсин», дердилар.

Драматург бўлгач, асарим шундай бўлиши керак, деган қарорга келдим. Энди, томошабинларни арзон кулги билан хушнуд қиламан, деб, ўзи кулги бўлиб қолиши яхши эмас. «Томошабин ёғилиб келаркан», «кассада чиптага навбат бўлиб кетаркан», деб енгил-елпи спектакллар комедияси жанри «ниқоб»и остида саҳналаштирилишини ҳазм қилолмайман. Афсуски, ҳозир шунақа асарларнинг куни туғиб қолди. Ҳар қандай кулгининг замирида жиддий муаммолар бўлиши кераклигини унутиб қўймоқдамиз».

«Маърифат» 5 август.
Зоҳиджон Холов «Қосимов ва Қосимжонов»:

«Бу икки спортчимиз юртимиз байроғини энг кўп бошлари узра баланд кўтарганига шубҳа йўқ. Диёримиз, содда ва самимий халқимизнинг номи улар сабабли ҳам эсланади, улар сабабли ҳам тилга олинади. Амударёга оти билан бирга сакраб, кечиб ўтган Жалолиддин Мангубердини кузатиб турган Чингизхон очиқчасига тан бериб: «Битта шундай ўғлим бўлса, армонсиз кетардим», — деган экан. Ишонамизки, бугун халқимиз бу икки азамат ўғлон тимсолида ўз армонлари рўёбини кўраётган бўлса, не ажаб».

«Туркистон» 5 август.
Лайло Ҳайитова «Исрофгарчилик ташаббускори ким?»:

« — Раҳмат, ёшларнинг бу ташаббусига, — дейди Шофиркон туман «Чўлқувар» маҳалласи раиси, — маҳалламизда тўйлар анчагина изга тушиб қолди. Бизда ўзига тўқ оилалар кўп. Шу кунга қадар қаршилигимизга қарамай, айрим тўйлар ўта дабдабали, серҳаражат ўтказиларди. Энди эса ишбилармон, тадбиркорларимиз топган-тутганларининг муайян қисмини тўй-зиёфатларга эмас, маҳалла ободлигига сарфлашмоқда. Ёш оилалардаги ажралишу, келишмовчиликларга ҳам чек қўйиляпти».

«Тошкент ҳақиқати» 5 август.
Рустам Худойқулов «Ўн тўққизинчи баҳордаги пушаймонлик»:

«Умрида бирор жойда ёлчитиб ишламаган Орзумурод Набиев қинғир йўллари билан қўлига тушган тилла тақинчоқларни гиёҳвандлик воситалари сотиб олиш учун сарфлашга қарор қилди.

У «Қўйлиқ» деҳқон бозори яқинида эски таниши Умаржонни учратиб қолиб, режасини ошкор қилди. Бу таклиф Умаржонга ҳам ёқиб тушди».

ЧОРВОҚНИ АСРАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёз бошланиши билан денгиз қирғоқлари дам олувчилар билан гавжумлашади. Айниқса, Бурчмулла, Яккатут, Юсуфхона, Янгиқўрғон, Боғистон, Боладала сингари йирик қишлоқларнинг денгиз соҳилига туташ жойларидаги чўмилиш ҳавзаларини маҳаллий «тадбиркорлар» махсус супалар қўйиб, эгаллаб олишган. Айримларида тегишли ҳужжатлар ҳам йўқ. Лекин чўмилиш жойларига кириб-чиқиш фалон пул. Тўрт-беш кишилик қўлбола супаларда ўтиришнинг нархи анча баланд. Бунинг сабабини сўрасангиз, ҳаммаси «тирикчилик» деган сўзни қалқон қилиб олишган. Афсуски, бундай қонунсиз тирикчилик туфайли денгиз озор чекяпти, унинг зилол сувли қирғоқлари ахлат бўлаклари ва уюмларига тўлиб боряпти. Айниқса, шанба-якшанба кунлари чўмилиш ҳавзаларидан жой топиш амри маҳол. Айтайлик, чўмилишга борганлардан ҳар бири биттадан қовун ё тарвуз пўчоғини, биттадан бўшатилган баклажка ё шишани, овқатдан чиққан суякни ташлашини, ё сувга отишини, қолган овқатларни қирғоқдаги тошлар орасига тўкишини тасаввур қилиб кўринг-чи, қандай нохуш манзара ҳосил бўлади? Чўмилаётганда оёқ остидан шиша синиқлари, суяклар, ҳар хил буюмларнинг чиқиши табиий ҳолга айланган. Қирғоққа урилаётган сув бетида турли ҳажмдаги бўш идишлар, полиэтилен халтачалар ва енгил оёқ кийимларигача сузиб юрганига гувоҳ бўласиз. Ён-атрофдаги ахлат уюмларида пашшалар ғужғон ўйнайди. Бир тўда болалар қўлидаги олма, шафтоли ёки нон қолдиғини бемалол сувга отади. Ёнидаги онаси ёки бувиси индамай томошабин бўлиб тураверади. Гўё дам олувчилар ўртасида денгизни ким кўп ифлослантириш мусобақаси бўлаётгандек. Ҳожатхоналарнинг йўқлиги бу ердаги муаммони янада мураккаблаштиради.

Агар аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, икки-уч йилдан сўнг Чорвоқнинг аҳволи нима кечади? Ҳозир уюм-уюм бўлиб ётган ахлатлар эртага турли касалликларни келтириб чиқармаслигига ким кафолат беради? Ўз-ўзидан ахлат тепаликлари пайдо бўлади-ку! Наҳотки, шу ишга масъул одамлар чўмилиш ҳавзалари атрофида замонавий ахлат қутиларини ўрнатишлари мумкин эмас? Бунга бирор-бир кўрсатма ё топшириқ бериш зарур бўлмаса керак.

Биз Угам, Чотқол, Кўксув дарёлари, Янгиқўрғонсой соҳилларини «безаётган» ахлат манзаралари ҳақида гапириб ўтирмадик. Фақат Чорвоқ денгизи аҳволига тўхталдик, холос.

Буларнинг барчаси аввало ўзимизда дам олиш маданиятининг йўқлиги ёки етишмаслигидан, дам олишнинг қонун-қоидаларини, йўл-йўриқларини билмаслигимиздан. Қачон дам олиш маданиятини ўрганамиз? Қачон ўз юртимиз табиатининг ноёб мўъжизаларини асраб-авайлаймиз? Ахир, Чорвоқ денгизи бизга иньом этилган буюк мўъжиза-ку! Аҳвол шу тарзда давом этаверса, эртага бизнинг бепарволигимиз, маданиятсизлигимиз оқибатида Чорвоқ денгизи озор чекиши аниқ! Юриш-туриш одоби бўлганидек, чўмилиш, дам олиш одоби ёки маданиятини ўрганиб қўйсак, зиён қилмайди, табиат ҳам ахлатзорга айланмайди.

Ашурали ЖЎРАЕВ.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

«Мироқи» санаторийси янги эмас. Лекин у мустақиллик йилларида тилга тушди. Айниқса, кейинги пайтларда сиҳатгоҳда тиббий хизмат ва маданий ҳордиқни ташкил қилиш яхшиланди. Бунга Ҳисор тоғларининг тоза ҳавоси, Оқсув дарёсининг зилол суви қўшилиб, мижозларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун катта қулайлик туғдирмоқда.

Тоғ этагида шифо маскани

— Сиҳатгоҳимизда ҳозир 200 киши дам олмоқда, — дейди бош шифокор Дилшод Хушвақтов. — Бу ернинг табиати — асосий даволовчи омил. Шу билан бирга яхши жиҳозланган физиомуолажа хонаси бор. Лазер аппарати, ҳаво ваннаси, балчиқ билан даволашни йўлга қўйганмиз. Бу йил даволашга мўлжалланган сув ҳавзаси ишга туширилди. Сиҳатгоҳимиз юрак-қон-томир ва юқори нафас йўллари касалликлари билан хасталанган кишилар учун жуда фойдали. Айни пайтда вилоятимиздан ташқари Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидан келганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Шўртан газ-кимё мажмуи, Муборак ва Ғузордаги нефть-газ конлари унитар корхоналари биз билан шартнома тузишган. Газчилар бутун йил давомида келиб, соғлиқларини тиклашади. Жамоамизнинг мақсади Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳар қачонгидан ҳам самарали ишлаб, сиҳатгоҳимизнинг тизимдаги мавқеини янада мустаҳкамлашдир.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: сиҳатгоҳ фаолиятидан лавҳалар.
Ж. НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.

Инсон умрини оқар сувга менгзашади. Оқаверади, оқаверади. Оқаётган сув эса ўз ортидан баъзан боғ-роғлар, чаман гўшаларни қолдирса, баъзан ...

Инсон ҳам шундай. Эртасини фаровон, юртини обод, фарзандларини эмин-эркин бўлишларини истаган инсон эзгу ишлари, солиҳ фарзандлари билан тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўяди.

— Бу йил 102 баҳорни қаршиладим, — дейдилар Фарғона туманидаги Водил қишлоғида яшовчи Темирбой ота Узоқов. Ҳаётимда яхши-ёмон кунларим кўп бўлди. Ҳаммасига чидаб, сабр қилиб яшадим. Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг эса, янгидан туғилгандай бўлдим. Умримнинг ҳар бир куни шукроналикларга тўла.

Кўп йиллик самарали меҳнатлари ҳисобга олиниб, ўтган йили Темирбой ота Президентимизнинг фармонларига биноан "Шуҳрат" медали билан тақдирландилар. Ота бугун ҳам маҳалладошлари, ҳамқишлоқларининг энг яқин маслаҳатгўйи сифатида тиниб-тинчимайдилар.

Суратда: 102 ёшли отахон Темирбой Узоқов.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон: ТАРАҚҚИЁТНИНГ 15 ЙИЛИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида кўплаб европаликлар ўзбек халқи тарихан қисқа давр мобайнида қўлга киритган ютуқлардан мамнуният изҳор этмоқда, деб ҳисоблайман. Мамлакат замонавийлаштириш, иқтисодий ва ижтимоий ўсиш жараёнларига очиқ бўлгани боис бу ютуқлар келгусида янада тараққий этишига умид қилишга асос бўла олади.

Бу эса бутун Марказий Осиё минтақасининг порлоқ келажагига ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Ўзбекистоннинг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қарори бутун дунёда маъқулланди. Жумладан, халқи орасида ўнчалик ёқланавермайдиган бундай чоратадбирларни қўллаш учун сиёсий иродаси етарли бўлмаган мамлакатларда ҳам. Олий жазодан воз кечиш Ўзбекистон томонидан танланган, турли соҳалардаги тараққиётга эришишга қаратилган йўлнинг ўзига хос рамзидир.

Ушбу қарор турли цивилизациялар ўртасидаги мулоқотда тутган муҳим тарихий аҳамияти тўғрисидаги ғурур ва хотирани сақлаб келаётган Марказий Осиёдаги сиёсий ва ижтимоий сифат кўрсаткичи бўлиб қолади. Ислом динига қадар ҳам, ундан кейин ҳам минтақа ривожланган диний маданият, фан ва технология беланчаги бўлиб келган. Биз буларнинг тасдиғини Зарадуштранинг башоратлари, файласуф Ибн Сино таълимотлари ҳамда маҳаллий ҳунармандларнинг нафис санъат асарларида кўришимиз мумкин.

Кўплаб халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш, демократик сайловлар йўли билан бошқарув синфини шакллантириш, икки палатали парламент тизими, кўппартиявийлик, жадал ўсаётган иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар, фундаментализм ва терроризмга қарши қатъий кураш Ўзбекистоннинг келажаги ва, умуман, минтақа барқарорлиги учун ижобий истиқболларни кафолатлайди.

Шу билан бир қаторда ҳали Ўзбекистонда ҳам, минтақада ҳам, кўплаб ишларни амалга ошириш зарур. Бироқ, Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда эришаётган нуфузининг тобора ўсиб бораётгани унинг халқи ва ёшларининг порлоқ келажагига қатъий ишонч билан қараш учун асос бўла олади.

Ўзбекистоннинг дунёдаги кўплаб дўстлари у билан ҳамиша ёнма-ён. Инсоний, фуқаролик ва диний қадриятларга бўлган ишонч ўзбек халқининг бошқа халқлар билан мулоқоти кенгайишига хизмат қилмоқда.

Геостратегик нуқтаи назардан олиб қараганда, Ўзбекистон замонавий Евроосиё сиёсатининг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, ушбу сиёсат яқин ўртада халқаро геосиёсий вазиятни ўзгартиришга қодир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган «Мингйиллик тараққиёти мақсадлари»га эришиш бўйича халқаро мажбуриятлар сайёрамиз ривожланиши йўлида фаровонлик, барқарорлик, одил судлов, тинчликни таъминлашга тайёр бўлган мамлакат — Ўзбекистонда ҳам қўллаб-қувватланди.

Антонио ЛОКЕ,
«Италия — Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси котиби, Италия Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Осиё ва Ўрта Ер денгизи мамлакатлари институти бош котиби.
«Жаҳон» АА.

Бошқарувнинг японча усули

Пойтахтимизда "Инжиниринг ва лойиҳаларни бошқариш" мавзуида бизнес-таълим дастури ташкил этилди.

Уч ҳафта давом этган ушбу дастур республика Савдо-саноат палатаси, Инсон ресурсларини ривожлантириш ўзбек-япон маркази, Япония хориж техникавий таълим уюшмаси ҳамда "Тоё инжиниринг" корпорацияси ҳамкорлигида уюштирилган бўлиб, унда юртимиздаги "Ўзбекэнерго", "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик ва "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниялари, шунингдек, хорижий, қўшма ва хусусий фирмаларнинг раҳбарлари, бошқарув бўғинларининг вакиллари иштирок этишди.

Маъруза, машқ ва муҳокамадан иборат бўлган дарсларни "Тоё инжиниринг" корпорацияси етакчи ходимлари Ш. Фужисана, Ш. Мияжим ҳамда К. Осакилар олиб борди. Машғулотларда ташкилот ва ҳамкорлик лойиҳаларини бошқариш бўйича юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш усуллари, жаҳон тажрибасида тан олинган махсус инжиниринг, қурилиш, талаб, таклиф, шартнома, харид, атроф-муҳитни асраш ва маъмурий бошқаришга оид янгиликлар ва маълумотлар берилди.

Қ. ХИДИРОВ.

Ўқишга марҳамат!

Тошкент вилояти Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи

2006-2007 ўқув йили учун қабул эълон қилади.

Коллежда умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган ўқувчилар уч йилда қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассисликларга эга бўладилар:

- молия-кредит;
- автомобиль двигателларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш («В» ва «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади);
- ветеринария;
- банк иши;
- ҳуқуқшунослик.

Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

- директор номига ариза;
- маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 6 дона 3х4 ҳажмдаги фотосурат;
- ҳудудий касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик педагогик ташхис маркази тавсияномаси;
- паспорт ёки туғилганлиги ҳақида маълумотнома нусхаси;
- яшаш жойидан маълумотнома.

Ҳужжатлар қабул қилиш давом этмоқда.
Ўқиш муддати — уч йил.
Талабалар ётоқхона билан таъминланади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Алишеробод маҳалласи. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 496-автобус ва 500-йўналишли таксининг «Медтехника» бекатигача борилади. Мўлжал: «МЕДИЗ» корхонасининг рўпарасида. Тел.: 166-64-21.

286598/1170

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 8 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	938,62	1 Исландия кроناси	17,47	1 Швейцария франки	1003,87
1 Англия фунт стерлинги	2337,83	1 Канада доллари	1091,11	1 ЕВРО	1579,53
1 Дания кроناси	211,79	1 Хитой юани	153,82	10 Жанубий Корея вони	12,76
1 БАА дирҳами	333,98	1 Малайзия ринггити	335,42	10 Япония иенаси	107,11
1 АҚШ доллари	1226,63	1 Польша злотийси	407,63	1 Россия рубли	45,82
1 Миср фунти	213,79	1 СДР	1823,18	1 Украина гривнаси	242,90
		1 Туркия лираси	835,29		

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Die Schweizerische Eidgenossenschaft offeriert für das Studienjahr 2007-2008 für usbekische Studienabgänger/innen Stipendien. Die Stipendien werden prioritär an Kandidaten/innen mit Studienrichtungen abgegeben, welche für die Entwicklung Usbekistans von Bedeutung sind. Kunststipendien sind ausgeschlossen.

Die Kandidaten/innen sollten folgende Kriterien erfüllen:

1. Alterslimite 35 Jahre
2. Universitätsabschluss mit Magister
3. Gute schriftliche und mündliche Sprachkenntnisse (Deutsch, Französisch oder Italienisch).
4. Genaues Studienziel sowie detaillierter Forschungs- bzw. Studienplan für die gewünschte Studienrichtung in der Schweiz. Im Verlaufe der Vorselektion müssen die Kandidaten/innen ihr Forschungs- bzw. Studienprojekt vorstellen.
5. Gute Wiedereingliederungsmöglichkeiten in den beruflichen Prozess nach der Rückkehr nach Usbekistan.

Interessierte Kandidaten/innen sind gebeten, ihr Forschungs- bzw. Studienprojekt für die Vorselektion in schriftlicher Form (Maximum 3 Seiten, in Deutsch, Französisch oder Italienisch) **bis zum 12. September 2006** an die Schweizerische Botschaft einzusenden. Die Projekte können entweder direkt bei der Botschaft abgegeben oder können per Post an folgende Adressen geschickt werden:

1. Schweizerische Botschaft, Usmon Nosir Strasse, Tupik ¼., 100070 Taschkent.
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Taschkent.

Der Projektvorschlag muss von einem Schreiben begleitet werden, welches folgende Angaben enthält: Name, Vorname, genaue Adresse, Telefonnummer, Emailadresse, etc.

In der Woche **vom 19. bis zum 21. September** werden die vorselektionierten Kandidaten/innen befragt. Während dieses Interviews muss das Forschungs- bzw. Studienprojekt vorgestellt werden. Es werden dessen Seriosität wie auch die mündlichen Sprachkenntnisse getestet. Nur jene Kandidaten/innen, welche dieses Interview bestehen, werden danach gebeten, die notwendigen Formulare auszufüllen und mit einer entsprechenden Universität in der Schweiz Kontakt aufzunehmen.

3049-1h/1436

La Confédération Suisse offre des bourses d'un an d'études universitaires 2007-2008 pour les étudiant(e)s ouzbek(e)s post- gradué(e)s. Les bourses sont octroyées en priorité, pour des disciplines qui sont importantes pour le développement de l'Ouzbékistan. Les bourses de formation artistique sont exclues.

Les candidat(e)s doivent répondre aux critères suivants :

1. Limite d'âge est 35 ans
2. Degré universitaire de magistrat
3. Bonne maîtrise de la langue d'enseignement, orale et écrite (allemand, français ou italien).
4. But précis et bien argumenté des études ou de la recherche à être effectuées en Suisse. Lors de la pré - sélection les candidat(e)s devront présenter leurs projets de recherche.
5. Prise en considération des possibilités d'insertion professionnelle en Ouzbékistan après la fin d'études.

Les candidat(e)s intéressé(e)s sont prié(e)s à soumettre leurs projets de recherche, par écrit (maximum de 3 pages, en français, allemand ou italien), pour la pré - sélection à l'Ambassade de Suisse jusqu'au **12 septembre 2006** au plus tard. Les projets peuvent être soumis directement à l'Ambassade de Suisse ou envoyés par poste aux adresses suivantes :

1. Ambassade de Suisse, rue Usmon Nosir, tupik ¼., 100070 Tachkent.
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Tachkent.

Le projet doit être accompagné d'une feuille avec les données personnelles: nom, prénom, adresse exacte, numéro de téléphone, adresse e-mail, etc.

Dans la semaine du **19 au 21 septembre**, les candidat(e)s sélectionné(e)s seront invité(e)s pour l'interview pendant lequel ils/elles devront présenter leurs projets et faire preuve de la bonne connaissance de la langue d'études prévue. Seules les personnes sélectionnées lors de l'interview seront invitées à remplir les formulaires et à contacter les universités suisses.

3049-2h/1436

La confederazione svizzera, per l'anno universitario 2007-2008, offre borse di studio per studenti (uomo o donna) uzbeki post graduati. Le borse sono attribuite prioritariamente a studenti di discipline importanti per lo sviluppo dell'Uzbekistan. Borse per studi d'arte sono escluse.

I candidati devono corrispondere ai seguenti criteri:

1. Età massima di 35 anni
2. Diploma universitario con laurea
3. Buona padronanza orale e scritta della lingua d'insegnamento scelta (italiano, tedesco o francese)
4. Scopo preciso con piano dettagliato degli studi o della ricerca da effettuare in Svizzera. Al momento della preselezione i candidati dovranno presentare i loro progetti di ricerca.
5. Seria considerazione delle possibilità d'inserimento professionale in Uzbekistan dopo aver terminato gli studi.

I candidati interessati sono pregati di presentare, per la preselezione, i loro progetti di ricerca per iscritto (3 pagine al massimo, nelle lingue italiano, tedesco o francese) all'Ambasciata Svizzera entro e non **oltre il 12 settembre 2006**. I progetti potranno essere consegnati direttamente all'Ambasciata Svizzera o essere inviati per posta ad uno degli indirizzi seguenti:

1. Ambasciata Svizzera, via Usmon Nosir, tupik ¼, 100070 Tashkent
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Tashkent

Il progetto deve essere accompagnato da una pagina con i dati personali: cognome, nome, indirizzo esatto, numero di telefono, indirizzo e-mail, etc.

Nel corso della settimana **dal 19 al 21 settembre** i candidati prescelti saranno invitati per un'intervista durante la quale dovranno presentare il loro progetto facendo pure prova delle buone conoscenze della lingua che avranno scelto per gli studi. Solo le persone che avranno passato l'intervista con successo, saranno invitate a riempire il formulario d'iscrizione e a prendere contatto con le università svizzere.

3049-3h/1436

Российский линолеум
производства ОАО «ЩекиноАзот» г. Тула
и славянские обои
тел. 134-48-11, факс 134-49-58.

ПРЕДЛАГАЕМ СТРОИТЕЛЬНЫМ, КАДАСТРОВЫМ, ИЗЫСКАТЕЛЬСКИМ ОРГАНИЗАЦИЯМ:

- измерительные приборы для строительства;
- приборы и оборудование неразрушающего контроля и технической диагностики;
- оптические нивелиры и теодолиты, цифровые и лазерные нивелиры;
- рулетки фиберглассовые и металлические (3м, 5м, 8м, 20м, 25м, 30м, 50м, 100м), телескопические нивелирные рейки;
- электронные теодолиты, безотражательные дальномеры, GPS-приемники, электронные тахеометры, персональные и автонавигаторы GARMIN.

Возможен кредит

ул. Навои, 2а. Тел.: 142-46-31, 316-59-41. Факс 134-53-66.
E-mail: geo_inform@yahoo.com

услуга лицензирована — Авторизованный партнер Trimble — товар сертифицирован

5-2410

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ ҚАЛИТИДИР!

Қарор ва ижро

Кейинги йилларда футболни оммалаштиришга эътиборнинг кучайтирилиши бу соҳада сезиларли ютуқларга эришиш имконини берди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси йўналиши бўйича тегишли дастурнинг рўёбга чиқарилиши туфайли республикада, хусусан Хоразм вилоятида ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги-янги спорт мажмуалари, чекка қишлоқларда стадионлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қобилиятли ёшларни аниқлаш, улардан юқори малакали спортчилар тарбиялаб етиштириш ишлари такомиллаштирилмоқда. Аммо, кейинги йилларда вилоятда юқори малакали футболчилар ва спортчилар заҳирасини тайёрлаш масаласига бироз эътибор сусайди, вилоятдаги ҳомийларнинг фаоллиги ҳам пасайди.

ХОРАЗМДА ФУТБОЛ РИВОЖЛАНАДИМИ ?

Натижада Хиванинг «Хива» жамоаси биринчи лигадан тушиб кетди. Мамлакат олий лигасида қатнашаётган «Хоразм» жамоаси кўрсатаётган ўйинлар билан ҳам мақтаниб бўлмайди. Биринчи давра учрашувларидан сўнг жамоа турнир жадвалининг сўнгги поғоналаридан бирини эгаллаб турибди. Хўш, айни пайтда бу борада аҳвол қандай? Вилоятда олий лигадаги ягона жамоани шакллантириш, иқтидорли футболчиларни тайёрлаш имконияти етарлими?

Ҳозир вилоят туманларидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида юзлаб ёшлар футбол сир-асрорларини ўрганмоқдалар. Урганч шаҳридаги футболга ихтисослашган болалар ва ўсмирлар мактабида 454 нафар ўқувчи, футболга ихтисослашган лицей-интернатда эса 350 нафардан ортиқ бола машғулотларда қатнашмоқда. Спортнинг бу тури билан шуғулланувчилар сони кейинги икки йил ичида тўрт минг кишига кўпайди.

Бундан уч йил муқаддам иш бошлаган Урганч Олимпия заҳиралари коллежи ҳам иқтидорли футболчиларни кашф этишда ўзига хос мактаб ролини ўтамоқда. Ушбу спорт масканининг баъзи битказувчилари «Хоразм», «Ҳазорасп» ва мамлакатимизнинг бошқа етакчи клубларига жалб қилинган. Бундан ташқари ҳар йили маҳаллалар болалари ўртасида мунтазам ўтказиладиган «Футболимиз келажаги» турнирининг вилоят босқичида минглаб хоразмлик ёшлар иштирок этмоқдалар. Улар орасидан ҳам ёш иқтидорларни излаб топиб, тарбиялаш режалари ишлаб чиқилган.

Маълумки, ҳар бир футбол жамоасининг ўз қиёфаси, анъаналари, йиллар мобайнида сайқал топадиган ўйин услуби бўлади. Бундай муваффақиятни таъминлаш эса игна билан қудуқ қазишдек, оғир иш.

— Яқинда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори ижросини таъминлаш борасида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, — дейди вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи С. Бобожонов. — Вилоят биринчилиги савиясини кўтаришга ҳаракат қилинмоқда. Урганч шаҳрида жойлашган 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда «Хоразм» футбол клуби тасарруфига ўтказилди. Демак, энди ушбу ўқув юртида тарбияланган иқтидорли футболчилар ҳисобига жамоа таркиби кучайтириб борилади. 104 ўринга мўлжалланган «Олимпия» меҳмонхонаси ҳам ҳозирда ушбу клуб ихтиёрида. Иккинчи давра ўйинларини муносиб ўтказиш учун ўқув машғулотлари кучайтирилган тарзда олиб борилаяпти.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам мамлакат чемпионатида қатнашаётган «Хоразм» ва «Ҳазорасп»ни профессионал жамоаларга айлантириш борасида қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Уларнинг ижроси назоратга олинган. Жамоаларнинг стадионлари тўлиқ реконструкция қилинди. Футбол клубларининг ишини такомиллаштириш янги низом асосида қайта кўриб чиқилмоқда. Ушбу жамоаларни астойдил жон куйдирадиган иқтидорли, маҳаллий ёш ўйинчилар билан тўлдиришга эътибор қаратилмоқда. Эринмай, кунт билан изланса, Хоразмда бундай ўйинчилар кўплаб топилади.

Яна бир гап.

Хоразм футболи учун иқтидорли мураббийлар керак. Чунки бош мураббий жамоа муваффақиятининг гаровидир. У жамоани ўз ўйин услубига мос футболчилар билан тўлдириб, маромига етказгунича ҳам икки-уч йил вақт керак бўлади. Уларга бунинг учун етарли иш шароити яратиб берилса, айни муддао бўларди.

«Ҳазорасп» футбол жамоасига ана шундай жонкуяр мураббий бошчилик қилаяпти. Унинг ўйинчилари билан ўз устозлари Валижон Султонов ҳақида суҳбатлашганимизда шунга амин бўлдик. Улар устозларининг тиришқоқлиги, ўз олдига қўйган мақсадни рўёбга чиқариш учун тинмай ҳаракат қилишини таъкидладилар. У оддий машқни ҳам ўзи кўрсатиб берар, маҳоратини ўйинчиларга ўргатар, ташаббус кўрсатиб ишлар экан. Ахир устознинг бундай фаоллигини, серғайратлилигини кўрган қайси шогирд лоқайд тура олади. Албатта, бундай саъй-ҳаракатлар, куюнчакликлар ўз мевасини беради. «Ҳазорасп» жамоаси ўз ўйинлари билан мухлислар назарига тушмоқда.

Яна бир кувонарли ҳол.

Ҳозирда Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Хоразм филиалини тузишга ҳаракатлар қилинмоқда. Филиал тўлиқ хўжалик ҳисобида фаолият юритади ҳамда ўзининг мулки, мустақил баланси, банкдаги ҳисоб рақами, шу жумладан, хорижий валюта ҳисоб рақамига эга бўлади. Бу ҳам вилоятда футболни ривожлантиришга катта имкониятлар яратади, деган умиддамиз.

Хоразмда ўз жамоаларининг футбол майдонларида жавлон уришини чин юракдан истайдиган, футболимизнинг тақдирига бефарқ бўлмаган ишқибозлар жуда кўп. Улар серфайз ўйингоҳларимизни тўлдириб ўтирадиган, ҳаяжонли дамларни бошдан кечирадиган кунлар яқин. Насиб этса, яқин йилларда мамлакат биринчилигида бошқа жамоалар Хоразм воҳаси футболчиларидан чўчиб майдонга тушишса ажаб эмас.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон "Мегуро Риверсайд" фестивалида

Япония пойтахтида «Мегуро Риверсайд» фестивали бўлиб ўтди. Унда Токио шаҳри маъмурияти, Японияннинг жамоат ташкилотлари, қатор хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари, жумладан, Ўзбекистон элчихонаси вакиллари иштирок этди.

Айтиш жоизки, Токиода анъанавий тарзда ўтказилувчи «Мегуро Риверсайд» фестивали халқ дипломатиясининг ёрқин намунаси бўлиб, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро тушуниш тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фестивалда кунчиқар мамлакатда фаолият юритувчи хорижий дипломатларнинг иштирок этиши эса унинг нуфузига нуфуз қўшади. Шу ўринда бир неча йил давомида Ўзбекистон элчихонаси томонидан ташкиллаштирилувчи экспозиция «Мегуро Риверсайд» иштирокчилари ва меҳмонларида катта қизиқиш уйғотиб келаётганини айтиш даркор. Юртимиз вакилларининг фестивалда эришган муваффақиятларига берилган юксак баҳо сифатида бу йилги шодиёнанинг очилиш маросимида Японияндаги дипломатия корпуси номидан сўзга чиқиш ҳуқуқи Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчиси Мирсобит Очиловга берилди.

Ўз чиқишида элчи Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги маданий алоқалар жадаллик билан ривожланаётганини таъкидлади. Жумладан, ўтган бир неча йил давомида «Ўзбекистон-Япония», «Фукуока-Ўзбекистон», «Фукушима-Ўзбекистон» дўстлик жамиятлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан шериклиқда Японияннинг қатор шаҳар ва префектураларида мамлакатимизга бағишланган кўплаб тақдимотлар ҳамда маданий тадбирлар ўтказилди. Яқинда Токиода «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ваколатхонаси очилгани ҳам икки мамлакат муносабатларидаги ёрқин воқеа бўлди. Япония жамоатчилиги юртимиз маданияти, Самарқанд, Бухоро, Хивадаги тарихий ёдгорликларга улкан қизиқиш билдираётгани ҳам қувонарли ҳолдир.

Фестиваль давомида минглаб японияликлар кўргазмага қўйилган Ўзбекистон халқ амалий санъати, кулолчилик ва ипак маҳсулотлари намуналаридан баҳраманд бўлдилар.

Акмалжон КЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Токио.

ДСК матбуот маркази хабар қилади

Сохта ногиронлар

Афғон уруши ногиронлари республика хайрия жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими қошида ташкил этилган «ДЕАР» ишлаб чиқариш фирмасидаги қонунбузарликлар солиқ хизмати ходимлари ўтказган текширувдан сўнг юзага қалқиб чиқди.

Фирма раҳбари Толиб Каримовнинг Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботидаги айрим ҳолатлар шубҳали бўлгани учун бу ерда ҳужжатли текшириш ўтказишга қарор қилинганди. Шунда фирмада ишлаётган 12 ишчидан 8 нафари сохта ногирон бўлиб чиқди. Улар уруш ногиронларига бериладиган имтиёзлардан фойдаланиб, 23167,5 минг сўм ягона солиқ тўловини тўлашдан бўйин товлаб келишаётган экан.

Текширувда сохта ҳужжатлар асосида 43263 минг сўм товар айланмасидан солиқ ҳисобланмаганлиги, бажарилган 40700,2 минг сўмлик ишлар қиймати ҳисоботдан яшириб қолинганлиги ҳам маълум бўлди. Шу боис фирма раҳбари Толиб Каримовга нисбатан Жиноят кодексининг бирйўла учта моддаси билан жиноят иши қўзғатишга тўғри келди. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Савдоси синди

Кейинги ойларда Гулистон шаҳри бўйлаб ўтказилган 9 та рейдда ноқонуний савдога чиқарилган 969,5 литр 1174,5 минг сўмлик алкоголь ичимликлари ва 200 литр 280 минг сўмлик этил спирти ашёвий далил сифатида олинди.

Рейдларнинг бирида фарғоналик сохта тадбиркор Баҳромжон Расулов қўлга тушди. У давлат белгиси 15 F 7656 бўлган «Дамас» русумли автомашинасида ҳужжатсиз 200 литр этил спиртини устама нархларда сотиш учун олиб келган экан. Ноқонуний маҳсулот ашёвий далил сифатида олиниб, суриштирув ишлари бошланди.

«Муҳандис Ойбек» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконида ўтказилган текширишда эса ҳужжатсиз 797,7 минг сўмлик алкоголь маҳсулотлари сотувга чиқарилганлиги аниқланди ва уларнинг савдоси дарҳол тўхтатилди. Нақд пул тушуми кўздан кечирилганда эса, савдодан тушган 27,4 минг сўм назорат-касса машинасига кирим қилинмаганлиги ва харидорларга харид чеки берилмаганлиги аён бўлди.

Тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Гулистон шаҳар прокуратурасига юборилди.

«Ишонч хоналари» ишончни оқласин

ОИТСга қарши кураш Жиззах вилояти марказида бўлиб ўтган давра суҳбати жойлардаги «Ишонч хоналари» фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди. Маълумки, бу борада Халқаро «Глобал фонд»нинг (Швейцария) махсус лойиҳаси ишлаб чиқилган. Жорий йилнинг 21 июлидан бошланган амалий тадбирлар 2007 йилнинг 21 январига қадар давом этади.

Вилоят ОИТС маркази бош врачи Эргаш Умаровнинг таъкидлашича, республикамиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган «Intilish» ва «Ayol» нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг Давра суҳбатидаги иштироки қатнашчиларнинг мамлакатимиз ҳудудларидаги аҳвол билан яқиндан танишишлари, гиёҳвандликка қарши курашнинг турли усуллари ҳақида маълумотлар олишларига имкон туғдирди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«NG SERVICE» МЧЖ
Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!
«NG SERVICE» МЧЖ дунёнинг қуйидаги машҳур компанияларининг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.
Сервис-марказ
кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.
Шунингдек,
етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.
Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: «Авиасозлар» саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз – ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы охраны периметров
Навигационные системы
Охрана трубопроводов
Безопасность перевозок
Контроль местонахождения транспортных средств
Контроль расхода топлива
Geoquip WORLDWIDE
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

MANESMANN
МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ
под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

BELARUS
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., Братислава к., 11.
Тел.: 151-20-33, 151-20-90,
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Маданият муассасалари ва ижодий жамоалар раҳбарлари диққатига!
«ART SERVIS-PRO» МЧЖ
(собиқ Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг театр-эксперименталь комбинати)
ЎЗИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ ВА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРИШГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕАТР, РАҚС ВА МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР, ТУРЛИ ХИЛ ПОЙАФЗАЛЛАР, БОШ КИЙИМЛАР, ШУНИНГДЕК, САҲНА ПАРДАЛАРИ.
Бизнинг манзил: 700027, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Ўзгариш кўчаси, Кирки тор кўчаси, 34-уй. E-mail: artkombinat@mail.ru
Телефонлар: (371) 395-49-42, 395-88-52, 395-02-63. Факс: (371) 395-88-52.

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун
ШИНА
таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., «Братислава» к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

Иқтисодий тадқиқотлар маркази жамоаси «Экономическое обозрение» журналининг бўлим муҳаррири Жамолиддин Турдимовга падари бузруквори
Бекмирза ота
ТУРДИМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати, жамоат ташкилотлари институтнинг Масофадан ўқитиш ахборот маркази директори, физика-математика фанлари номзоди Абдували Муҳаммадиевга ўғли
Илҳом
МУҲАММАДИЕВнинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
t -Тижорат материали
МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6